В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ ЖАВОХИР БАХОДИР ЎҒЛИ

ДИСКРЕТ ВАҚТЛИ БЎЛАКЛИ СИЛЛИҚ ДИНАМИК СИСТЕМАЛАР

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of thesis abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ ЖАВОХИР БАХОДИР ЎҒЛИ

ДИСКРЕТ ВАҚТЛИ БЎЛАКЛИ СИЛЛИҚ ДИНАМИК СИСТЕМАЛАР

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/FM430 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Розиков Уткир Абдуллоевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рахимов Абдуғофур Абдумажидович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Эшмаматова Дилфуза Бахрамовна физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « ___ »__________соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2021 йил « ___ » __________ куни тарқатилди.

(2021 йил « ___ » ______________даги -рақамли реестр баённомаси).

А.Азамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раис ўринбосари,
ф.-м.ф.д., академик

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

У.У.Жамилов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда дискрет ҳамда узлуксиз вақтли динамик системаларни тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Шунингдек, математик моделнинг динамикаси дискрет ва узлуксиз вақтли ҳолатлар учун ҳар доим ҳам бир хил характерга эга эмаслиги логистик функция мисолида яққол кўрсатилган. Шунинг учун узлуксиз вақтли системалар билан параллел равишда дискрет вақтли системалар ҳам тадқиқ этилади. Дискрет вақтли бўлакли силлиқ динамик системалар кўплаб муҳим физик жараёнларда, хусусан, калитли электр схемалари, таркибий қисмлари бир-бирига таъсир қилувчи механик қурилмалар, ишқаланиш, сирпаниш ёки сиқилиш масалаларида ҳамда молиявий соҳадаги башоратлаш масалаларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бўлакли силлиқ функцияларнинг динамикасини тадқиқ этиш динамик системалар назариясидаги муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда динамик системалар назарияси кўплаб амалий масалаларни характерини тушуниш, таҳлил қилиш ҳамда оптимал ечимини топишда асосий восита сифатида қўлланилмоқда. Ҳозирда силлиқ функциялар орқали аниқланган системаларни тадқиқ қилишда яхши ривожланган методлар ва геометрик ёндашувлар мавжуд. Аммо ушбу назариядаги натижалар билан мос хаётий системаларни изоҳлашда зиддиятлар ҳам бор. Бу каби зиддиятларни ҳал қилишда системани силлиқ бўлмаган функциялар орқали ҳосил қилинган математик моделлар ёрдамида ифодалаш мумкинлиги кўрсатилди. Бу борада: қўзғалмас ва даврий нуқталарни тўла тавсифлаш, траекторияларнинг барча лимит нуқталар тўпламини аниқлаш, системанинг хаотиклигини исботлаш ва уларнинг математик биологиядаги популяция жараёнларига татбиқи мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган геология, биология, математика ва физика фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, механика, электроника, бошқарув назарияси ва биологик системаларда кенг татбиқига эга бўлган бўлакли силлиқ функцияларнинг динамик системалари назариясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Узилишга эга бўлган акслантиришлар динамикаси бўйича салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика ва статистик физика» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

мақсадида бўлакли силлиқ динамик системалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сон Қарори ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда физика ёки биологиядаги математик моделларни ўрганиш дискрет вақтли динамик системаларни тадқиқ қилишга бўлган қизиқишни кескин орттирди. Бу соҳадаги дастлабки илмий натижалар М. Бернардо, С. Банерджи, Дж.А. Йорк, В. Аврутин, С. Хоган, К.Х. Хоммес, Е.Э. Нуссе ва А. Симоновиц ва бошқа олимлар томонидан эришилган бўлиб, социал иқтисодиётнинг узлуксиз бўлакли силлиқ моделининг динамик системаси бошқарув параметрларга боғлиқ эканлигини исботладилар. Модел содда бўлишига қарамай, ушбу модел динамикаси уч хил турдаги характерга эга эканлиги исботланган, яъни системада турғун орбиталар, квази-даврий аттракторлар ва хаотик аттракторлар мавжудлиги кўрсатилган. С. Банерджи, М.С. Картик, Г. Юан ва Дж.А. Йорклар томонидан бир ўлчовли бўлакли силлиқ функциялар учун бифуркациялар назарияси ривожлантирилган. Бундай хоссали динамик системани тадқиқ этиш электрон схемаларни ушбу функциялар билан ифодалаш мумкинлигини кўрсатган. Система функцияси содда бўлишига қарамай, параметрларнинг ўзгариши натижасида турғун орбиталар, турғун бўлмаган орбиталар, икки даврий аттракторлар ва хаотик орбиталар ҳосил бўлишлиги баён этилган.

П. Жаин ва С. Банерджилар узилиш нуқтаси атрофида бўлакли чизиқли аппроксимациянинг параметрларига боғлиқ бир ўлчовли узилишга эга функцияларнинг бифуркацияларини таснифлашган. Улар параметр қийматларининг ҳар бир ўзгариш оралиғи учун, хаос ва турли хил даврий орбиталар мавжудлиги ҳамда турғунлиги шартларини келтириб чиқаришган. Айтиш жоизки, улар томонидан ўрганилган функция С. Банерджи, М.С. Картик, Г. Юан ва Дж.А. Йорклар ишидаги функциянинг умумлашмаси бўлиб, яна қўшимча битта параметр қўшиш орқали функция узилишга эга бўлган функция кўринишига келтирилган.

Вольтерра типидаги квадратик стохастик операторлар Р.Н. Ганиходжаев ишларида Ляпунов функцияси ва турнирлар назарияларини қўллаш орқали ривожлантирилган. Кейинчалик квадратик стохастик операторлар учун l-Вольтерра типидаги квадратик стохастик операторлар синфи У.А. Розиков, А. Зада, У.У. Жамиловлар томонидан; чексиз ўлчовли квадратик стохастик операторлар Ф. Мухамедов, Х.Акин, О. Хакимовлар томонидан; квант квадратик стохастик операторлар Н.Н. Ганиходжаев, Ф. Мухамедовлар томонидан ўрганилган. Лекин, кўплаб илмий изланишларга қарамай, квадратик стохастик операторлар орқали ҳосил қилинган динамик системалар учун лимит нуқталар тўпламини тўла тавсифини бериш ҳалигача очиқ масала бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, узилишга эга бўлган квадратик стохастик операторларни ўрганишда ҳам кўплаб масалалар очиқлигича қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги Математика институтининг ОТ-F4-82 + ОТ-F4-87 «Операторли ва ноассоциатив алгебралар локал дифференциаллашлари ва автоморфизмлари, чизиқли бўлмаган динамик системаларда фазали ўтиш ва тартибсизлик» + «Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва уларнинг механикада қўлланилиши» (2017-2020 йиллар) ва ЁФА-Фтех-2018-78 «Аменабел бўлмаган графларда динамик ва термодинамик системалар» (2018-2019 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир параметрли бутун қисм функциялар оиласи ҳамда бир ва икки ўлчовли симплексларда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик операторларнинг дискрет вақтли динамик системаларида ихтиёрий бошланғич нуқта учун траекториянинг лимит нуқталари тўпламини тўла тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир параметрли бутун қисм функция орқали ҳосил қилинган дискрет вақтли динамик системанинг лимит нуқталарини топиш;

бутун қисм функциялардан ҳосил бўлган операторнинг дискрет вақтли динамик системасини тавсифлаш;

бир ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга қвадратик стохастик операторнинг динамикаси хаотиклигини кўрсатиш;

даврий нуқталар мавжуд бўлиши учун параметрларга шартлар топиш.

Тадқиқотнинг объекти. Бутун қисм функция ҳамда бир ва икки ўлчовли симплексларда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик операторлар.

Тадқиқотнинг предмети. Ҳақиқий ўзгарувчили функциялар назарияси, дискрет вақтли динамик системалар назарияси, стохастик жараёнлар назарияси, бифуркациялар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал анализ, стохастик жараёнлар ва дискрет вақтли динамик системалар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

параметр қийматига боғлиқ ҳолда бутун қисм функцияда ихтиёрий бошланғич нуқта учун траектория қўзғалмас нуқтага ёки икки даврий траекторияга ёки чексизликка интилиши исботланган;

бутун қисм функциялардан ҳосил бўлган икки ўлчовли оператор дискрет вақтли динамикаси учун ихтиёрий бошланғич нуқта траекториясининг характери тавсифланган;

бир ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик операторнинг дискрет вақтли динамикаси параметрларнинг нолдан фарқли қийматларида хаотиклиги исботланган;

икки ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик оператор динамикаси учун параметрнинг берилган қийматларида лимит нуқталар тўплами битта нуқта ёки чексиз тўплам бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси математик биологиядаги популяция жараёнларининг математик моделлари бўлакли силлиқ функциялар орқали ифодалашни таклиф этилганлиги ва ушбу функциялар ёрдамида ҳосил бўлган динамик системада траектория лимит нуқталари тўпламини аниқлаш усулларини баён қилинганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, стохастик жараёнлар ва дискрет вақтли динамик системалар назарияси усулларидан фойдаланилгани ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлакли силлиқ функциялар динамикасида траектория лимит нуқталар тўпламининг тавсифидан ночизиқли дискрет динамик системалар назариясида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлакли силлиқ акслантиришлар ёрдамида ҳосил бўлган динамик системада траектория лимит нуқталари тўпламини аниқлаш орқали математик биологиядаги популяция жараёнларига татбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дискрет вақтли бўлакли силлиқ динамик системалар бўйича олинган натижалар асосида:

бир ўлчовли сиплексда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик операторнинг дискрет вақтли динамикаси параметрларнинг нолдан фарқли қийматларида хаотиклигидан ОТ-Ф-4-03 рақамли «Узлуксиз ҳамда дискрет вақтли аниқ динамик системалар, қисмий интеграл операторлар спектрлари» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада стохастик операторлар траекторияларининг лимит нуқталари тўпламини тавсифлашда фойдаланилган (Қарши давлат университетининг 2021 йил 12 июндаги № 04/1900-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Вольтерра ҳамда новольтерра типидаги квадратик ва кубик стохастик операторларнинг лимит нуқталарини тавсифлаш имконини берган;

икки ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик оператор динамикаси учун параметрнинг берилган қийматларида лимит нуқталар тўплами битта нуқта ёки чексиз тўплам бўлишлигидан ЁФА-Атех-2018-182 рақамли «Брюсселятор турли циклик кимёвий реакцияларни математик моделини динамик системалар назарияси методлари билан тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада кимёвий реакция моделларининг динамикасини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 23 июндаги № 2/1255-1835-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кимёвий реакциялар моделларига мос динамик системаларнинг қўзғалмас нуқталари ва даврини аниқлаш ҳамда траекторияларни сифатий таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 94 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бутун қисм функциядан ҳосил бўлган динамик системалар»** деб номланган биринчи бобида, диссертация мавзусини тўла ёритиш учун зарур бўлган асосий таърифлар ва муҳим тушунчалар келтирилган. Шунингдек, $\lfloor \lambda x \rfloor$ бутун қисм функциядан ҳосил бўлган динамик системалар ҳақидаги натижалар баён қилинган.

Ихтиёрий f ва g функциялар учун, f ва g нинг композициясини $f \circ g(x) = f(g(x))$ каби, f функциянинг ўз-ўзига n марта композицияси эса $f^n(x) = \underbrace{f \circ \cdots \circ f}_{n-times}(x)$ каби белгиланади. Берилган x_0 ($x_0 \in X$) учун,

$$x_1 = f(x_0),\ x_2 = f(x_1) = f^2(x_0),\ x_3 = f(x_2) = f(f^2(x_0)) = f^3(x_0),\ \ldots \qquad (1)$$

$\{x_0, f(x_0), f^2(x_0), ..., f^n(x_0), ...\}$ нуқталар кетма-кетлиги x_0 нуқтанинг траекторияси ёки орбитаси дейилади. Дискрет вақтли динамик системалар назариясининг асосий масалаларидан бири ихтиёрий x бошланғич нуқта учун $\{f^n(x)\}_{n\in\mathbb{N}}$ кетма-кетликнинг барча лимит нуқталарини тавсифлашдан иборат.

Агар x нуқта $f(x) = x$ тенгламани қаноатлантирса, у ҳолда x нуқта f функциянинг қўзғалмас нуқтаси дейилади. Агар x нуқта $f^n(x) = x$ тенгламани қаноатлантирса, у ҳолда x нуқта f функциянинг n даврли даврий нуқтаси дейилади. $f^n(x) = x$ тенглама учун энг кичик мусбат n сонига x нуқтанинг туб даври дейилади. Туб даври n бўлган нуқта n-даврий нуқта дейилади. Барча n-даврий нуқталар тўплами $\mathrm{Per}_n(f)$ орқали ҳамда барча қўзғалмас нуқталар тўплами $\mathrm{Fix}(f)$ орқали белгиланади. Берилган x нуқтанинг $\{f^n(x)\}_{n\in\mathbb{N}}$ орбитасининг лимит нуқталари тўплами $\omega(x, f)$ ёки $\omega(x)$ каби белгиланади.

1-таъриф. *$p \in \mathbb{R}$ нуқта $f : \mathbb{R} \to \mathbb{R}$ функция учун n-даврий нуқта ва p нуқтада $f^n(x)$ функция дифференциалланувчи бўлсин.*

- *Агар $\left|(f^n)'(p)\right| < 1$ бўлса, у ҳолда p тортувчи;*
- *Агар $\left|(f^n)'(p)\right| > 1$ бўлса, у ҳолда p итарувчи даврий нуқта дейилади.*

2-таъриф. *$f : A \to A$ ва $g : B \to B$ функциялар бўлсин. Агар f ва g функциялар учун шундай $h : A \to B$ гомеоморфизм топилиб, $h \circ f = g \circ h$ тенглик бажарилса, у ҳолда f ва g функциялар топологик қўшма дейилади.*

Дискрет вақтли динамик системалар назариясидан маълумки, топологик қўшма функциялар эквивалент функциялардир.

$x \in \mathbb{R}$ соннинг бутун қисми қуйидагича аниқланади:

$$\lfloor x \rfloor = \max\{m \in \mathbb{Z} : m \le x\}.$$

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида ушбу

$$f(x) \equiv f_\lambda(x) = \lfloor \lambda x \rfloor, \qquad (2)$$

кўринишдаги $f : \mathbb{R} \to \mathbb{R}$ функциядан ҳосил бўлган динамик система қаралган, бу ерда $\lambda \in \mathbb{R}$ параметр.

Фараз қилайлик, $\lambda \le 0$ бўлсин. $\lambda = 0$ тривиал ҳол ва $\omega(0) = \{0\}$. $\lambda < 0$ бўлсин.

1-теорема. *Агар $\lambda < 0$ бўлса, у ҳолда f функция орқали ҳосил қилинган динамик система учун қуйидагилар ўринли:*

1. Агар $-1 < \lambda < 0$ бўлса, у ҳолда $\forall x \in \mathbb{R}$ қуйидаги лимит ўринли

$$\lim_{n\to\infty} f^n(x) = 0,$$

яъни, $\omega(x)=\{0\}$.

2. Агар $\lambda=-1$ *бўлса, у ҳолда ҳар бир нолдан фарқли бутун сон учун икки даврий орбита мавжуд, яъни ихтиёрий* $x\in\mathbb{Z}\setminus\{0\}$ *учун* $f^2(x)=x$. *Шунингдек, ҳар бир* $x\in\mathbb{R}$ *учун* $f^3(x)=f(x)$ *ўринли, яъни,*

$$\omega(x)=\begin{cases}\{x, f(x)\}, & \text{агар } x\in\mathbb{Z} \text{ бўлса}\\ \{f(x), f^2(x)\}, & \text{агар } x\in\mathbb{R}\setminus\mathbb{Z} \text{ бўлса.}\end{cases}$$

3. Агар $\lambda<-1$ *бўлса, у ҳолда* $\forall x\in\left(\frac{1}{\lambda},0\right]$ *учун* $f(x)=0$ *бўлади ва*

$$\omega(x)=\begin{cases}\{0\}, & \text{агар } x\in\left(\frac{1}{\lambda},0\right] \text{ бўлса,}\\ \{-\infty,+\infty\}, & \text{агар } x\in\mathbb{R}\setminus\left(\frac{1}{\lambda},0\right] \text{ бўлса.}\end{cases}$$

Энди $0<\lambda<1$ ҳолни қарайлик. Ҳар бир $\lambda\in(0,1)$ учун шундай $m\in\mathbb{N}$ натурал сон мавжудки, $\frac{m-1}{m}<\lambda\le\frac{m}{m+1}$ бўлади.

2-теорема. *Айтайлик* $m\in\mathbb{N}$ *учун* $\frac{m-1}{m}<\lambda\le\frac{m}{m+1}$ *бўлсин. У ҳолда*

$$\lim_{n\to\infty} f^n(x)=\begin{cases}0, & \text{агар } x\in[0,+\infty),\\ k, & \text{агар } x\in\left[\frac{k}{\lambda},\frac{k+1}{\lambda}\right),\\ -m, & \text{агар } x\in\left(-\infty,-\frac{m}{\lambda}\right),\end{cases}$$

бу ерда $k\in\{-1,-2,\ldots,-m\}$.

Қуйидаги $\lambda>1$ ҳол учун қуйидаги теорема ўринли.

3-теорема. *Айтайлик* $m\in\mathbb{N}$ *натурал сон учун* $\frac{m+1}{m}\le\lambda<\frac{m}{m-1}$ *бўлсин. У ҳолда*

$$\lim_{n\to\infty} f^n(x)=\begin{cases}k, & \text{агар } x\in\left[\frac{k}{\lambda},\frac{k+1}{\lambda}\right),\\ -\infty, & \text{агар } x\in(-\infty,0),\\ +\infty, & \text{агар } x\in\left[\frac{m}{\lambda},+\infty\right),\end{cases}$$

бу ерда $k \in \{0,1,\ldots,m-1\}$.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида қуйидагича икки ўлчовли оператор ёрдамидаги динамик система ҳақидаги натижалар баён қилинган:

$$A(z)=\begin{cases} x' = \lfloor \lambda y \rfloor \\ y' = \lfloor \lambda x \rfloor \end{cases}, \quad z=(x,y)\in\mathbb{R}^2$$

бу ерда $\lambda \in \mathbb{R}$ параметр.

(3) операторнинг динамик системаси учун параметрнинг барча қийматларида натижалар олинган. Хусусан, $\lambda > 1$ ҳол учун қуйидаги теорема ўринли.

4-теорема. *Бирор* $m \in \mathbb{N}$ *учун* $\frac{m+1}{m} \le \lambda < \frac{m}{m-1}$ *бўлсин. У ҳолда қуйидагилар ўринли:*

1) Агар
$z \in \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \ \frac{k}{\lambda} \le x_0 < \frac{k+1}{\lambda}, y_0 < 0 \right\} \bigcup \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \ \frac{k}{\lambda} \le y_0 < \frac{k+1}{\lambda}, x_0 < 0 \right\}$ *бўлса, у ҳолда*

$$\omega(z) = \left\{(k,-\infty),(-\infty,k)\right\},$$

бу ерда $k \in \left\{0,1,2,...,m-1\right\}$.

2) Агар $z \in \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \ x_0 < 0, y_0 \ge \frac{m}{\lambda} \right\} \bigcup \left\{ (x_0, y_0) \ | \ y_0 < 0, x_0 \ge \frac{m}{\lambda} \right\}$ *бўлса, у ҳолда*

$$\omega(z) = \left\{(+\infty,-\infty),(-\infty,+\infty)\right\}.$$

3) Агар $z \in \left\{ (x_0, y_0) \ | \ \frac{k}{\lambda} \le x_0 < \frac{k+1}{\lambda}, \ \frac{p}{\lambda} \le x_0 < \frac{p+1}{\lambda} \right\}$ *бўлса, у ҳолда*

$$\omega(z) = \left\{(k,p),(p,k)\right\},$$

бу ерда $k,p \in \left\{0,1,2,...,m-1\right\}$.

4) Агар
$z \in \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \frac{k}{\lambda} \le x_0 < \frac{k+1}{\lambda}, y_0 \ge \frac{m}{\lambda} \right\} \bigcup \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \ \frac{k}{\lambda} \le y_0 < \frac{k+1}{\lambda}, x_0 \ge \frac{m}{\lambda} \right\}$ *бўлса, у ҳолда*

$$\omega(z) = \left\{(k,+\infty),(+\infty,k)\right\},$$

бу ерда $k \in \left\{0,1,2,...,m-1\right\}$.

5) Агар $z \in \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \, x_0 < 0, y_0 < 0 \right\}$ *бўлса, у ҳолда* $\omega(z) = \left\{(-\infty,-\infty)\right\}$.

6) Агар $z \in \left\{ \left(x_0, y_0\right) | \, x_0 \ge \frac{m}{\lambda}, y_0 \ge \frac{m}{\lambda} \right\}$ *бўлса, у ҳолда* $\omega(z) = \left\{(+\infty,+\infty)\right\}$.

Диссертациянинг **«Битта узилиш нуқтали хаотик динамик система»** деб номланган иккинчи бобида, иккита турдан ташкил топган популяциянинг математик модели берилган.

$\left(m-1\right)$-ўлчовли симплекс

$$S^{m-1}=\left\{\mathbf{x}=(x_1,x_2,\ldots,x_m)\in\mathbb{R}^m : i\in\{1,2,\ldots,m\}\ \text{учун}\ x_i\geq 0\ \text{ва}\ \sum_{i=1}^{m}x_i=1\right\}$$

каби аниқланади. $e_1=(1,0,\ldots,0)$, $e_2=(0,1,0,\ldots,0)$, …, $e_m=(0,0,\ldots,0,1)$ нуқталар симплекснинг учлари дейилади.

$$intS^{m-1}=\left\{\mathrm{x}=(x_1,x_2,\ldots,x_m)\in S^{m-1}\,|\,x_i>0,\ i\in\{1,2,\ldots,m\}\right\}$$

тўплам симплекснинг ичи ва $\partial S^{m-1}=S^{m-1}\setminus intS^{m-1}$ тўплам эса симплекснинг чегараси дейилади.

Қуйидаги

$$\left(V(\mathbf{x})\right)_k=\sum_{i,j=1}^{m}P_{ij,k}x_ix_j,\ k\in\left\{1,2,\ldots,m\right\}$$

кўринишдаги $V:S^{m-1}\to S^{m-1}$ акслантириш квадратик стохастик оператор (КСО) дейилади, бу ерда, $P_{ij,k}$ коэффициентлар қуйидаги шартларни қаноатлантиради

$$P_{ij,k}\geq 0,\ P_{ij,k}=P_{ji,k},\ \sum_{k=1}^{m}P_{ij,k}=1,\ i,j\in\{1,2,\ldots,m\} \tag{3}$$

ва наслдан наслга ўтиш коэффициентлари дейилади.

Агар V КСО учун $k\notin\{i,j\}$ бўлганда $P_{ij,k}=0$ бўлса, у ҳолда V оператор Вольтерра типидаги КСО дейилади.

Қуйидаги $V_a:S^1\to S^1$ операторни қарайлик

$$V_a:\begin{cases}x'=x(1+ay)\\ y'=y(1-ax),\end{cases}$$

бу ерда $a\in[-1,1]$.

Ихтиёрий бошланғич нуқта $\mathrm{z}=(x,y)\in S^1$ учун $\mathrm{z}^{(n)}=(x^{(n)},y^{(n)})=V^n(\mathrm{z})$ траектория қуйидаги кўринишда бўлади

$$\begin{cases}x^{(n+1)}=x^{(n)}(1+ay^{(n)})\\ y^{(n+1)}=y^{(n)}(1-ax^{(n)}).\end{cases}$$

Кўриниб турибдики, $x^{(n)}$ ва $y^{(n)}$ кетма-кетликлар $a\neq 0$да монотон бўлади ($a=0$ да динамик система тривиал бўлади, шу боис ушбу ҳолни қарамаймиз). $x^{(n)}$ ва $y^{(n)}$ кетма-кетликлар юқоридан чегараланган бўлгани учун лимитга эга ва лимит нуқталар V_a операторнинг қўзғалмас нуқталари бўлади, яъни

$$\lim_{n\to\infty} z^{(n)} = \begin{cases} (0,1), & \text{агар } a<0 \\ (1,0), & \text{агар } a>0. \end{cases}$$

Юқоридаги лимит биологик маъноси шундан иборатки, келажакда ҳар доим турларинг бири асиптотик йўқолиб кетади.

Келажакда ҳар икки турни сақлаб қолиш учун, $V_{a,b}: \mathrm{z}=(x,y)\in S^1 \to \mathrm{z}'=(x',y')\in S^1$ эволюцион операторни қуйидагича аниқлаймиз:

$$V_{a,b}(z) = \begin{cases} V_a(z), & if \quad x \le \frac{1}{2} \\ V_b(\bar{z}), & if \quad x > \frac{1}{2} \end{cases} \tag{4}$$

бу ерда $a,b\in[-1,1]$ параметрлар ва $\bar{z}=\left(y,x\right)\in S^1$.

Қайд этиш лозимки, (3) муносабатда берилган $P_{ij,k}$ коэффициентлар $\mathbf{x}\in S^{m-1}$ га боғлиқ эмас эди, лекин (4) операторда

$$P_{11,1}=1-P_{11,2}=P_{22,2}=1-P_{22,1}=1$$

ва қолган коеффициентлар $\mathrm{z}=(x,y)\in S^1$ га боғлиқ:

$$P_{12,1}(\mathrm{z})=1-P_{12,2}(\mathrm{z})=\begin{cases} \frac{1+a}{2}, & \text{агар } x\le\frac{1}{2} \\ \frac{1-b}{2}, & \text{агар } x>\frac{1}{2}. \end{cases} \tag{5}$$

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида $x+y=1$ эканлигидан (4) операторни битта нуқтада узилишга эга бўлган бир ўлчовли $f_{a,b}:[0,1]\to[0,1]$ функцияга келтириб, ушбу функциядан ҳосил бўлган динамик система ўрганилган:

$$f_{a,b}(x)=\begin{cases} x(1+a-ax), & 0\le x\le\frac{1}{2} \\ x(1-b+bx), & \frac{1}{2}<x\le 1, \end{cases} \tag{6}$$

бу ерда a,b параметрлар симметрик бўлгани учун $a,b\in[0,1]$ деб фараз қиламиз.

Топологик қўшмалик тушунчаси ёрдамида (6) функция учун динамик системани $a,b\in[0,1]$ параметрлар учун $a\in[0,1]$, $a\le b$ тўпламдаги қийматларида ўрганиш етарли.

$a\le b$ да мумкин бўлган қуйидаги ҳолларни қараймиз:

1) $a=b=0$; 2) $a=0, b>0$; 3) $ab>0$.

1-изоҳ. *Агар* $a=b=0$ *бўлса, у ҳолда функция* $f_{0,0}(x)=x$, $0\le x\le 1$ *айний функция бўлади. Бу ҳолат қизиқ эмас.*

$a=0$, $b>0$ ҳолда динамик система тўла ўрганилган. $ab>0$ ҳол учун $f(A)=A$ ни қаноатлантирувчи $A=\left(\frac{1}{2}-\frac{b}{4},\frac{1}{2}+\frac{a}{4}\right]$ инвариант тўплам мавжуд. Шунингдек, ушбу ҳол учун динамик системани A инвариант тўпламда ўрганиш етарлидир. Чунки, агар бошланғич нуқтани инвариант тўпламнинг ташқарисидан олсак, чеклита қадамдан сўнг траекториянинг барча нуқталари A да жойлашади.

2-изоҳ. *Равшанки, қўзғалмас нуқталар тўплами* $ab>0$ *учун* $\mathrm{Fix}(f)=\{0,1\}$ *дан иборат. Шунингдек,* $|f'(0)|=1+a>1$, $|f'(1)|=1+b>1$. *Яъни, ҳар икки қўзғалмас нуқталар итарувчи. Шу боис, ҳар икки тур келажакда сақланиб қолади.*

Даврий нуқталар типи учун қуйидаги теорема ўринли.

5-теорема. *Агар* f *даврий нуқталарга эга бўлса, у ҳолда бу даврий нуқталар итарувчи бўлади.*

$x_{n+1}=f(x_n)$ дискрет вақтли динамик система ва x_0 нуқтадан бошланувчи орбита учун *Ляпунов экспонентаси* қуйидагича таърифланади:

$$\lambda(x_0)=\lim_{n\to\infty}\frac{1}{n}\sum_{i=0}^{n-1}\ln|f'(x_i)|. \tag{7}$$

Ляпунов экспонентаси турли хил орбиталарни фарқлашда муҳим аҳамиятга эга.

1-тасдиқ. $x_0\in[0,1]\setminus\{\frac{1}{2}\}$ *бўлсин. У ҳолда (6) функция учун Ляпунов экспонентаси номанфий бўлади.*

1-тасдиққа кўра $\lambda\geq 0$ бўлади, у ҳолда

- $\lambda=0$ муносабат траектория бетараф қўзғалмас нуқтага интилишини кўрсатади.
- $\lambda>0$ дан динамик система хаотиклиги келиб чиқади, яъни, яқин нуқталар траекториялари, қанчалик яқин бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай ихтиёрий масофага узоқлашиши мумкин. Охир-оқибат траектория тўпламдаги барча нуқталарга боради. Бу нуқталар турғун бўлмаган нуқталар дейилади.

Шунингдек, параметрларнинг баъзи муносабатлари учун (6) функциянинг бифуркация диаграммалари чизилган. Бифуркация диаграммаси траекториянинг асимптотик интилувчи нуқталари (қўзғалмас нуқталар, даврий орбиталар ёки хаотик аттракторлар)ни ифодаловчи системадаги параметрнинг функциясидир. Одатда турғун нуқталар узлуксиз чизиқ билан ва гарчи, турғун бўлмаган нуқталар тушиб қолишига қарамай, улар нуқтали чизиқлар билан тасвирланади. Параграф сўнгида баъзи биологик шарҳлар берилган.

Диссертациянинг **«Бир ва икки ўлчовли симплексларда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик операторларнинг динамик системаси»** деб номланган учинчи бобида, бир ўлчовли симплексда аниқланган новольтерра типидаги узилишга эга квадратик стохастик оператор ва икки ўлчовли симплексда аниқланган Вольтерра типидаги узилишга эга квадратик стохастик оператор динамик системалари ўрганилган.

$W_a : S^1 \to S^1$ ва $W_b : S^1 \to S^1$ операторларни қуйидагича аниқлаймиз:

$$W_a = \begin{cases} x' = ax^2 + 2xy + y^2 \\ y' = (1-a)x^2 \end{cases}, \quad W_b = \begin{cases} x' = x(1+by) \\ y' = y(1-bx) \end{cases},$$

бу ерда $a \in [0,1]$, $b \in [-1,1]$.

$W_{a,b} : z = (x,y) \in S^1 \to z' = (x',y') \in S^1$ операторни қарайлик:

$$W_{a,b}(z) = \begin{cases} W_a(z), & \text{агар } x \le 1/2 \\ W_b(z), & \text{агар } x > 1/2. \end{cases}$$

$x + y = 1$ ёрдамида, $W_{a,b}$ операторни $g_{a,b}(x) : [0,1] \to [0,1]$ функцияга келтирамиз

$$g(x) = g_{a,b}(x) = \begin{cases} (a-1)x^2 + 1, & x \le 1/2 \\ x(1+b-bx), & x > 1/2 \end{cases}, \tag{8}$$

бу ерда $a \in [0,1]$, $b \in [-1,1]$.

$a \in [0,1]$, $b \in [-1,1]$ параметрларнинг барча қийматлари учун (8) функциядан ҳосил бўлган динамик система тўла ўрганилган.
$0 \le a \le 1$ ва $-1 \le b < 0$ ҳол учун, қуйидаги теорема ўринли.

6-теорема. *(8) функциядан ҳосил бўлган динамик система учун қуйидагилар ўринли:*

a) g функция ягона $x = 1$ қўзғалмас нуқтага эга.

b) Агар $a = 1$ бўлса, у ҳолда $x^{(0)}$ бошланғич нуқта учун $x^{(n)}$ траектория қуйидаги лимитга интилади:

$$\lim_{n\to\infty} x^{(n)} = 1.$$

c) Агар $0 \le a < 1$ бўлса, у холда g икки даврий нуқталарга эга эмас.

d) Агар $0 \le a \le \dfrac{2b - b^2 + 2\sqrt{b^4 + 2\sqrt{b^2+1}b^2 - b^2}}{b^2}$ бўлса, у ҳолда g уч даврий нуқталарга эга.

Учинчи бобнинг иккинчи ва учинчи параграфларида икки ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга Вольтерра операторининг динамик системаси ўрганилган.

КСО ни қуйидагича таърифлаймиз:

$$V(\mathbf{x}) \equiv V_{a,b,c}(\mathbf{x}) = \begin{cases} V_1(\mathbf{x}), & \min\{x,y,z\} = x \text{ ва } x \neq y \text{ ёки } \mathbf{x} = (\frac{1}{3},\frac{1}{3},\frac{1}{3}) \\ V_2(\mathbf{x}), & \min\{x,y,z\} = y \text{ ва } y \neq z \\ V_3(\mathbf{x}), & \min\{x,y,z\} = z \text{ ва } x \neq z \end{cases} \tag{9}$$

бу ерда $\mathbf{x} = (x,y,z) \in S^2$, $a,b,c \in [0,1]$ ва

$$V_1 = \begin{cases} x' = x(1+ay+bz) \\ y' = y(1-ax+cz) \\ z' = z(1-bx-cy) \end{cases}, \quad V_2 = \begin{cases} x' = x(1-by-cz) \\ y' = y(1+az+bx) \\ z' = z(1-ay+cx) \end{cases}, \quad V_3 = \begin{cases} x' = x(1-az+cy) \\ y' = y(1-bz-cx) \\ z' = z(1+ax+by). \end{cases}$$

Агар $a=b=0$ ва $c>0$ бўлса, у ҳолда қуйидаги иккита лемма траекториянинг (V оператордан ҳосил қилинган) $\omega(\mathbf{x}^{(0)})$ лимит нуқталари тўпламини тавсифлайди.

1-лемма. *V оператор (9) орқали берилган КСО бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $\mathbf{x}^{(0)} \in S^2$ учун $\omega(\mathbf{x}^{(0)}) \subset \partial S^2$ ўринли бўлади.*

2-лемма. *(9) оператор даврий орбиталарга эга эмас.*

Лемма 1 ва Лемма 2 лардан қуйидаги теоремани хулоса қиламиз.

7-теорема. *Агар $a=b=0$ ва $c>0$ бўлса, у ҳолда $\omega(\mathrm{x}^{(0)})$ тўплам ё битта нуқтадан, ёки чексиз тўпламдан иборат бўлади.*

Агар $b=c=0$, $a>0$ бўлса, у ҳолда қуйидаги теорема ўринли.

8-теорема. *V оператор (9) орқали берилган КСО бўлсин. У ҳолда*

$$\mathrm{Per}_2(V) = \{\varnothing\}$$

ва

$$\mathrm{Per}_3(V) = \{\mathrm{x}_1^*, \mathrm{x}_2^*, \mathrm{x}_3^*\}$$

бу ерда

$$\mathrm{x}_1^* = (\frac{2}{-a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}, \frac{2}{a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}, \frac{2}{a+3+\sqrt{a^2-2a+9}})$$

$$\mathrm{x}_2^* = (\frac{2}{a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}, \frac{2}{a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}, \frac{2}{-a+3+\sqrt{a^2-2a+9}})$$

$$\mathrm{x}_3^* = (\frac{2}{a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}, \frac{2}{-a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}, \frac{2}{a+3+\sqrt{a^2-2a+9}}).$$

ХУЛОСА

Диссертация иши бутун қисм функция ҳамда бир ва икки ўлчовли симплексларда аниқланган узилишга эга квадратик стохастик операторларнинг дискрет вақтли динамик системаларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Бутун қисм функциядан ҳосил бўлган динамик система учун қўзғалмас нуқталар тўплами топилган ва барча траекторияларнинг лимит нуқталари тўплами тўла тавсифланган.
2. Битта узилиш нуқтага эга функциядан ҳосил бўлган динамик система хаотиклиги Ляпунов экспонентаси ёрдамида исботланган.
3. Лимит нуқталар тўпламини тавсифловчи бифуркация диаграммалари тасвирланган.
4. Бир ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга КСО динамик системасининг лимит нуқталари тўплами топилган.
5. Икки ўлчовли симплексда аниқланган узилишга эга Вольтерра типидаги КСО учун $a = b = 0$, $c > 0$ бўлганда лимит нуқталар тўплами симплекс чегарасида ётиши исботланган. Шунингдек, $a > 0$, $b = c = 0$ (мос равишда, $a = c = 0$, $b > 0$) ҳоллар учун ҳар доим итарувчи уч даврий нуқталар мавжудлиги исботланган.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 INSTITUTE OF MATHEMATICS NAMED AFTER V.I. ROMANOVSKIY

INSTITUTE OF MATHEMATICS

USMONOV JAVOXIR BAXODIR UGLI

PIECEWISE-SMOOTH DYNAMICAL SYSTEMS WITH DISCRETE-TIME

01.01.01-Mathematical analysis

ABSTRACT OF THESIS OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PHD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

TASHKENT-2021

The theme of thesis of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2019.4.PhD/FM430.

Thesis has been prepared at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy.

The abstract of the thesis is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website http://kengash.mathinst.uz and in the website of "ZiyoNet" Information and educational portal http://www.ziyonet.uz/.

Scientific supervisor:	**Rozikov Utkir Abdulloevich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
Official opponents:	**Rakhimov Abdugofur Abdumajidovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
	Eshmamatova Dilfuza Bakhramovna Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Docent
Leading organization:	**Samarkand State University**

Defense will take place "____"_________ 2021 at______at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovskiy. (Address: University str. 4b, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

Thesis is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy (is registered №_____). (Address: University str. 4b, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of the thesis sent out on «____» ____________ 2021 year
(Mailing report № ___ on «____» ____________ 2021 year)

A.Azamov
Deputy Chairman of Scientific Council
on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Academician

J.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees,
C.F.-M.S., Senior researcher

U.U.Jamilov
Chairman of Scientific seminar under
Scientific Council on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Senior researcher

INTRODUCTION

Actuality and demand of the theme of the thesis. In the world, a lot of scientific and practical researches are reduced to the studies of discrete-time and continuous dynamical systems. It is also clear from the example of the logistic map that the dynamics of a mathematical model is not always the same for discrete and continuous time cases. Therefore, the discrete-time dynamical systems are also examined in parallel with the continuous case. Discrete-time dynamical systems generated by piecewise-smooth functions play important role in helping to understand the behavior of many important physical phenomena such as electrical circuits that have switches, mechanical devices in which components impact with each other, problems with friction, sliding, or squealing, and financial forecasting. Hence, the study of the dynamical systems associated with piecewise-smooth functions remains one of essential and actual tasks in the theory of dynamical systems.

Nowadays in the world, theory of dynamical systems has been proven to be a powerful tool for analyzing and understanding the behavior of a wide range of problems. There is now a well-developed qualitative or geometric approach to dynamical systems that usually relies on the evolution of a system as determined by the smooth function. But there are also contradictions in the interpretation of real-life systems consistent with the results of this theory. In solving such contradictions, it has been shown that the system can be expressed using mathematical models generated by non-smooth functions. In this regard, the main problems are: a complete classification of fixed and periodic points, the determination of the set of all limit points of the trajectories, proof of the chaoticity of the system and their application to population processes in mathematical biology.

In recent years, our country has paid more attention to geology, biology, mathematics and physics, which have a scientific and practical application of fundamental sciences. In particular, special attention was paid to the development of the theory of dynamical systems of piecewise-smooth functions, which are widely used in mechanics, electronics, control theory and biological systems. Significant results were obtained on the dynamical systems generated by discontinuous function. Investigations on the international level in such important areas as the functional analysis and dynamical systems theory has been considered the main task of fundamental research[1]. Currently, the development of investigations on the theory of piecewise-smooth dynamical systems plays an important role in the implementation of this decree.

